

Наманган вилоятида 2024 йилнинг 10 ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида

А Х Б О Р О Т

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очик мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек ёшлар ҳамда тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

2025 йил 10 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан **жами 23 910 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан, **17 440 та** (ёки 73 %) қаноатлантирилган, **8096 та** (ёки 34 %) ижобий ҳал этилган, **9 082 та** (ёки 38 %) ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал этилган, **131 та** (ёки 0,5 %) узоқ муддатга назоратга олинган, **3492 та** (ёки 15 %) тушунтириш берилган, **119 та** (ёки 0,5 %) рад этилган, **577 та** (ёки 2 %) кўрмасдан қолдирилган ва тугатилган, **61 та** (ёки 0,3 %) маълумот учун, **2 352 та** (ёки 10 %) ўрганиш жараёнида.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 4 677 та (19 %)**, **Чуст туманида 2059 та (9 %)** ва **Уйчи туманида 2034 та (9 %)** ҳиссасига тўғри келади.

Шундан, кўриб чиқилган аризалардан Республика даражасида **1504 тадан 361 таси (24 %)** ижобий ҳал этилган, вилоят даражасида **4082 тадан 1326 таси (32 %)** ижобий ҳал этилган ва (шаҳар) туман даражасида **15 972 тадан 6409 таси (40 %)** ижобий ҳал этилган,

Наманган вилоятига келиб тушаётган мурожаатларни соҳалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар ижро иши, алимент ва қарз ундириш **2 619 та**, ижтимоий таъминотга оид масалалар **2 616 та**, хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар **1 773 та**, Ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар ва улар бўйича иш юритишга оид муаммолар **1 456 та**, Моддий ёрдам ва ҳомийлик **1 401 та**, газ таъминоти **1 081 та**, ва Банк ва кредит масалаларида **868 та**, Даволаш ва тиббий хизмат кўрсатиш **806 та**, Электр энергияси таъминоти **613 та** ва уй-жой билан таъминлаш **580 тани** ташкил этади.

